

Саломат Парда кизи Мутриба 1894 йилнинг 20 августида Каттакўргоннинг Каландархона махалласида мактабдор мулла оиласида тугилди. 12 ёшида кизлар мактабини битиргач, мустакил мутолаага берилди. Адабиётга меҳр-иштиёки зўр бўлган ёш Саломат Навоий, Хофиз, Бедил каби улуг шоирлар ижодини ўрганди. 14-15 ёшидан бошлаб, устози Хакима ёрдамида шеър ёзишга киришди. 16 ёшида уни мусофир бир муллага узатадилар. Биринчи жаҳон уруши бошланиши биланок юртга вабо таркалди. У Мулла Парда оиласига хам оғир кулфат ва мусибатлар келтирди. Болалигига ёк онадан етим колган Саломат 1915 йилнинг икки-уч ойи давомида вабо ва очлик туфайли бувиси, отаси, синглиси, нихоят, эридан ажралиб, уч гўдаги билан ёлгиз колди. У эрта сахардан кеч окшомгача бирорларнинг хизматини килиб каноат ва машаккат билан кун кечирди.

Мутриба 1964 йил 7 февралда вафот этган.

УСТОЗИМ ХАКИМА ТАЪРИФИДА

Киши билгайму йўл бир рахнамосиз,
Очилмас гунча булбулсиз, навосиз.

Тутуб илкимни бир пири камолий,
Киритди боги ашъор ичра олий.

Ёгар калбимга кўп мазмуни ашъор,
Терар завким дури ашъори шахвор.

Менга назм гуллари шўх-шўх бокарди,
Шеър мазмунига маъно такарди.

Безаб мазмун вазну кофиялар,
Тўлуб илхом ила кўнглум кучалар.

У пири шоира—устоз Хакима,
Анга шогирди содикман камина.

Анидек кўрмадим бир нуктадони,
Эди гўёки донишманд юноний.

Ёши саксонга етган олим эрди,
Менга кўп илму фанлар ёд берди.

Ёзиг бир шеър менга ул яхши атвор,
Васият айлади такрор бисёр:

— Аё жоним кизим, бўлгил саломатт
Жахонда кўрмагил бир зарра офат.

Умидим бул эрур, эй рохати жон,
Давомат ёд этгайсиз бу хизмат.

Ишончим йўқ дигар, эй нуктадоним,
Анисим, мунисим хам роздоним.

Унутманг хеч бир вакт, эй намоён.,
Будур матлаб, аё фарзанди жоним,

Эрурман сизга доим дўсти жоний,
Туролмасман сизи кўрмасдан оне.

Болам, холим энди сизга аёндур,

Хамиша сиз эдингиз меҳрибоне,

Болам деб жон фидо килдим туну кунг
Беріб таълим рамузу илм хамчун.

Суханвар олимим, эй кадди райхон,.
Илм бобида teng сизга Фалотун.

Болам, кўнглиз эрур хуршсди ховар.
Жаҳон моли тасаддук садқаи сар.

Яшанг оламда кўп, эй мохи тобон
Рамузманди аклли тоза гавхар.

Мени дилхастани кўнглум килиб шод,
Килурсиз хар замон хонамни обод.

Ажойиб хулки хуш дўсту анисим,
Хакима рози сиздин, эй паризод,—

Дебон ул пиразоли яхши кирдор,
Васиятлар килибон менга бисёр.

Юмуб кўз кетди оламдин хиромон,,
Ёши саксонга етган нек атвор.

МУҲАММАСЛАР

* * *

Бир кун бориб эрдим басабаб кулбай дилбар,
Ногох фалак шеваси тушди менга яксар
Тонг пайти эди, хар ён очилган гули анбар,
Шўх-шўх бокишиб, ер юзини этди муаттар,
Гул олдида сайр айлади ул шўхи суманбар.

Гулзор сари боргач ўшал дурри ягона,
Мендин эшитингиз яна бир тарзи фасона,
Узди неча гул шохидин ул шўхи замона,
Гул-гул ёнибон уй сарига бўлди равона,
Гулзор юзи акси била бўлди мунаввар.

Ногох кўзум тушди парирўз ўшал дам,
Бошимга бало — ишк гами сйлди туман гам,
Ох урдуму кўнглумга тўлуб кайгу дамо-дам,
Хасрат била жисмимни тутуб хар дами мотам,
Гул гунчасидек бўлди бу кўнглум басе абтар.

Ким ишк балосига агар бўлса гирифтор,
Хоҳ ўлса ва ё куйса, на парвойи сари бор,
Бир золими берахм, анга ким бўлса агар ёр,
Бир кўрмак ила бой бериб кўнглини, бўлур зор,
Бўлди бир ажаб хислат анга вожиби акбар.

Кўрмаклиги мумкин эмас ул чехра парини,
Юз мартаба хам сўз деб киши олмас маони,
Тушса хавас оул сўз била кўрмоккаки они,
Мутрибани бул гамга дучор айлади яъни,
Жонимга жафо берди, сўзум айлангиз бовар.
1914 йил.

* * *

Кўруб жонон жамолини бўлубман ошики зори,
Кўнгулни титратур ул нозанинни зулфи зуннори,
Кўзумга заррача илмам жаҳонни молу динори,
Менидек бўлмасун хеч ким биронни маҳви дийдори,
Хаёлимдан нари кетмас ўшал барнони кирдори.

Жамолин кўрса хар ким бўлгуси, албатта, девона,
Тушуб кўқдин, бўлур чўлпон унинг хуснига парвона,
Туролмай рўбарўсида, камар бўлгуси хайрона,
Агар чикса, хиром айлаб, бокиб мастона-мастона,
Мукаррап согуси хуршидни кўп ташвиша рухсори.

Жаҳонда кўрмади хеч кимса ул хурилико янглиг,
Ва лекин кўрса хам бўлган эмасдур муддао янглиг,
Дегайлар хур пайкарлар:— Бу дурри бебахо янглиг,
Юзи гул, сочи сунбул, комати зеварнамо янглиг,
Латофатда баробар келмас анга дахр гулзори.

Сиёsat тийги бирла катл этарга айласа фармон,
Шахид айларга хозирдур ики жоду кўзи хар он,
Ики шамширдур ушшок элини килгали курбон —
Коши бир-бирига пайваста, каламдек кайрилиб тушгон,
Vaёрайхони жаннат раста-растаги осори.

Кани Лайли билан Ширин, кўрублон лофи чашм этса,
Паридек саф чекиб оллида, ногах лофи чашм этса,
Хижолатдин боколмас хеч бириси, лофи чашм этса,
Хўтсан охулари шарманда бўлгай, лофи чашм этса,
Кародур хажр шомидин мукаррап чашми хуммори.

Сочар нур зарра-зарра хар тарафга ул маҳи тобон,
Кими бошига тушса зарраси, бўлгай у саргардон,

На мушкулдур, эшитмас, ишк эли гар йигласа чандон,
Тузуб атрофида саф-саф, мисоли лашкари хокон,
Килурга катли мужгони, чекиб тиг чаши хунхори.

Насиб этгаймукин менга ўшал дилдор зулфини,
Кўнгул сайдини ром этган ўшал айёр зулфини,
Укур зохид эли кофир ики зуннор зулфини,
Сабо таркатса ногах субхи дамда ёр зулфини,
Муаттар айлагай рўйи заминни мушки тотори.

Никоб очиб чикар бўлса чаман сори саёхатда,
Туролмас хеч киши токат әтиб, албатта, рохатда,
Кизил гул бош эгиб хайрон ўлур айни малохатда,
Хижолат айлагай тўтию кумрини фасохатда,
Такаллумда ўтар канду асалдин шахди гуфтори.

Гўзаллар подшоси муниси мендек гадо бўлмас,
Кўрунглар, лаълу зумрад кайда бўлса, бебаҳо бўлмас,
Кими гавхаршунос ўлса, бу гавхардин жудо бўлмас,
Фалотун таъбурким, васфини айтсам адо бўлмас,
Расодур зехни-ю, одобда хуш хар феълу атвори.

Бўлуб хижрон чўлида тинмайин овора Мажнундек,
Куюб рашк оташига кўзларим гирёна Мажнундек,
Магар фуркат аро тўлгаймукин паймона Мажнундек,
Тирикман токи онинг ишкида девона Мажнундек,
Этурман холатим етгунча Лайлони харидори.

Кўнгулни хозир этсун, шеърими дилдор ўкуганда,
Менинг холимни ёзганму, дебон хар ён ўкуганда,
Фидо кил ёр учун жон, ул кўзи хуммор, ўкуганда,
Мени хам ёд әтиб, шод айла, бир такрор ўкуганда,
Агар лаззатли бўлса, Мутрибанинг ёзган ашъори.
1914 йил.

(МАРСИЯ)

Шод бўлмай билан жаҳондин минг алам кўрган бошим,
Зор йиглаб, хасрату армон билан тўлган бошим,
Хар замон юз минг балога мубтало бўлган бошим,
Марсия айтиб, ёзиб, гам бирла кўмулган бошим,
Ўлмагимга хар куни юз минг ризо берган бошим.

Гунчадек боги жаҳонда лахза дам очилмайин,
Кумридек йиглаб мудом, бир дам фарогат килмайин,
Мен нечук бундай.балога эмди рози бўлмайин,
Куйдиму ёндим, кабоб ўлдум, vale шод ўлмайин,
Такдиримга тан бериб, гам бирла кўз юмган бошим.

Бул жаҳони бевафодин кўрмадим хеч рохате,
Йиглабон келдим анодин кайси кун, кай соате,
Гуссаи кулфат била мотамда ўтдим муддате,
Очмадим ёрук жаҳондин кўз, кўролмай фурсате,
Келди-кетди бир гариб жоним фано бўлган бошим.

Кавму кардошим ва бир гамхор ёрим йўқ мени,
Арзу ахволим сўрар пушту панохим йўқ мени,
Мунисим, сирдош рози меҳрибоним йўқ мени,
Мисли бир девонадурман хеч хаёлим йўқ мени,
Уч гўдакнинг холидин хайрону саргардон бошим.

Турмуш этдим ул азиз дилдору гамхорим билан,
Неча вакт даврон сурубон юрмадим ёрим билан,
Зору нолон ёш колдим неча сагирим билан.
Энг азиз арзандалардин айрилибман гам билан,
Минг туман хасратда согликдин жудо бўлган.бошим.

Во, мани хасратларим асло жаҳонга сигмагай,
Ох урсам дуд димогимдин самога сигмагай,

Нолишимдин нола айлаб, най навога сигмагай,
Лоладек багрим каро кондур, ёзувга сигмагай,
Зор йиглаб ўлмайин, марсиялар ёзган бошим.

Бердилар таълим менга мен билмаган хар кордин,
Илму одобу хунар, фахм.этмаган асрордин,
Хар улуг олим ва комил шоири ахрордин,
Хушсуханлик, хушкамаллик хамда хушатвордин,
Хеч бири баҳтимга ёри бермади, нолон бошим.

Ул отам бирла онам фарзандга бехад зор бўлуб,
Мен тугулганда азиз жонларидин бехрок кўруб,
Неча орзулар. била тарбият айлаб, еткуруб,
Доимо бўлсун саломат, деб Саломат от кўюб,
Хар хунардин боҳабар, баҳтдин йирок колган бошим.

Кани ул ота-онам, ахволим кўрса бул замон,
Гамдин озод айласа, кандок ўтар холинг, дебон,
Зор йиглаб, арзи холим айласам бир-бир баён,
Шунча арзанда азизлардин колибман багри кон,
Гурбат ичра нотавон, дилхаста кон ютган бошим.

Вой, юз минг войким, ўтсам бу оламдин бадард,
Ушбу фоний дунёдин гам-гусса тортиб беадад,
Келмагай асло анодин Мутрибадек зору фард,
Мунча хасратлар, гаму кулфатлар ўткардим бехад,
Шоира ночор айтур, бир гариб нолон бошим.
1915 йил.

* * *

Ранжимак бехудадур дунё гамидин, эй кўнгул,
Хар нечук дардлар билан сен бўлмагил хотир малул.

Рутбаи олийда эрдингмуки олмишдур магар,
Гийна килмок баҳт ишига окила лозим дагул.

Кайси гулшанни күрурсан: очилур—бўлгай хазон
Турмагай очилди гунча, доимо хеч кайси гул.

Ўйлама вайрониаю хар манзили ободни,
Сел ўтуб, обод манзиллар бўлур бирпасда чўл.,

Кайда шунча одамийлар йўқ алардин бир асар,
Ким бу фоний дунёдин кетди тутубон хамма йўл.

Умр бир гавхар эрур, хар дам ганимат бил ани,
Мутриба, гамлар абасдур, асли сўз маъноси бул.
1916 йил.

* * *

Эй дўстлар, на бўлди ахволи Каттакўргон,
Тиркираб жумла халки, хар кайда бўлди сарсон.

Зулм айлабон Николай, таркатди элга фармон,
Шахар ва кишлок колмай, йигдурди отни чандон.

Аввалда отни олди, кейин мардикор солди,
Ким килмади кабули, не-не балога колди...

Тўпланди эл бариси, колмай ёшу кариси,
Бермокчи бўлди кайси, килмай кабул нечаси.

Тушди эл ичра гавго, жамъ бўлди шахру сахро,
Ёгдурди ўк хаводин, бир неча ўлди андо.

Камалда канча одам, минг-минг десам эрур кам,
Кетди, шу кетганича, бедому бедарак хам.

Хар кимда бўлса пул кўп, колди алар кутулуб,
Бечора камбагаллар кетди бари сотилуб.

Бирни отасин олди, бирни боласин олди,
Гўдаклари хору зор, йиглаб онаси колди.

Менман деган амалдор, кўргондадур хукмдор,
Кетганларни асрарин, ўзинг, эй парвардигор.

Мутриба бўлди ношод, эл дардини этиб ёд,
Качон келур бахтли кун, качон бўлармиз озод?!
1916 йил

БИБИ ХАЛИФАЛАРГА

Аё эй, каттакўргонлик «азизлар»,
Хама «ахли илм», эй «ёру дўстлар»,

Ёзай мен «оффарин, тахсин» этибон,

Сизларни кирдикорингиз битибон.

Ажаб расму ажаб оиндасизлар,
Ажаб феълу ажаб конундасизлар.

Азо ё тўй, мавруд бўлса кайда,
Китобларни олиб борурсиз анда.

На бир сўз маънисин, лафзини билмай,
Ўкурсизлар хато, магзини билмай.

Азо бўлса гўяндалик килурсиз,
Мусибатни яна чандон этурсиз.

Борурсиз, айтди, деб маврудга бирдан,
Ки хохи саккизу ўн жамъ бирлан.

Бўлур мавруд эгаси турфа хайрон,
Нечук тухфа топай, деб фикр этибон.

Бирига берса гар, бириси колиб,
Бечора сохиби хайр кўп уёлиб.

Агар кўйлак дока бўлса-да, бохам
Кувониб, нафъимиз, деб шоду хуррам.

Дебон, оллоҳу акбар, кўтарурсиз,
Неча зилла билан хушнуд борурсиз,

Үёлмай хаммадин анда ўтуруб,
Санаб таксим этарсиз, пулни кўюб.

Яна сизлар эмиш биби халифа,
Авомга раҳбар ўлмокмиш вазифа!..

Аё Мутриба, чўзма, бас кил энди,
Кетар лаззат, узолса сўз, бил энди.
1917 йил.